

**Истеъмол бозорида нархлар даражасини аниқлаш юзасидан товарларнинг
ўртача истеъмол нархлари кузатувини ташкил этиш
ва ҳисоблаш бўйича услубий низом**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубий низом Ўзбекистон Республикаси бўйича уюшган савдо мажмуалари ва деҳқон бозорларидаги товарларнинг ўртача нархлари кузатуви тартибини, шу билан бир қаторда алоҳида турдаги товарларнинг маълум бир даврдаги ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. Нархлар кузатуви ва уларнинг ўртача қийматларини ҳисоблаш механизми истеъмол бозоридаги жорий нархлар ҳолатини аниқлаш ва таҳлил қилиш, ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадларида ишлаб чиқилган.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури нархларнинг статистик кузатувларини ўтказиш учун қонуний асос бўлади.

II. Асосий тушунча ва таърифлар

4. Мазкур услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва иборалардан фойдаланилади:

нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси;

ўртача нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштирувчи нарх;

рўйхатга олиш нархи – сифати, сотиш шартлари ва кузатув даври оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар турига тўланган пул бирлиги миқдори;

нархларни рўйхатга олиш – истеъмол секторининг намунаси сифатидаги шакллантирилган товарлар тўпламига кирувчи нархлар тўғрисида маълумот тўплаш усули;

кузатув объекти – намуна сифатида харид қилиш учун (рўйхат бўйича) шакллантирилган товарлар нархини рўйхатга олиш мақсадида танлаб олинган чакана савдо объекти;

намуна товар – товарларнинг сифати ва асосий истеъмол хусусиятларига таъсир кўрсатмайдиган даражада бир-биридан ўзига хос тавсифига кўра унчалик катта бўлмаган ҳолда фарқланадиган товар турлари йиғиндиси.

5. Ушбу услубий низомда қўлланилган атамалар давлат статистика органлари ходимлари томонидан истеъмол бозорида нархларнинг статистик кузатувларини олиб бориш ва маълум даврдаги товарларнинг ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш мақсадларида ишлатилади.

III. Кузатув олиб бориш тартиби

6. Товарларнинг истеъмол нархларини рўйхатга олиш Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида товарлар билан етарлича таъминланганлик даражаси, ассортимент сони ва мезонларни инобатга олган ҳолда танлаб олинган савдо объектларида олиб борилади.

7. Нархларни рўйхатга олувчи статистика органи ходимлари (нарх регистраторлари) томонидан ҳар бир ҳудуд бўйича савдо объектлари танлови амалга оширилади. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва савдо фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб кузатув объектлари шакли ва сони ўзгариб туради.

8. Нарх регистраторлари кузатув рўйхатига киритилган аниқ намуна-товарларни бир қанча мезонларини ҳисобга олган ҳолда (ҳудудий истеъмол бозоридаги ўзига хос хусусиятга эга энг харидоргир товарлар) танлаб оладилар.

9. Намуна-товарлар рўйхати 2 ва 3 иловаларда келтириб ўтилган. Белгиланган вазифаларга асосан зарур ҳолатларда рўйхатдаги товарлар сони ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

10. Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган муддатларда республика ҳудудлари бўйича истеъмол товарларининг жорий нархлари даражасини аниқлаш шаҳар ва туман статистика органи ходим (регистратор)лари томонидан амалга оширилади.

11. Истеъмол секторларида нархларини рўйхатга олиш танланма статистик кузатув тамойилларига мувофиқ:

- 9-narx (ist) blankasi “Товар (хизмат)лар истеъмол нарх (тариф)ларини рўйхатга олиш бланкаси” (1-илова);

- 1-bozor narxlari blankasi “Деҳқон бозорларида нархларни рўйхатга олиш бланкаси”дан (2-илова) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

IV. Ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш

12. Товарларнинг ўртача нархлари турли хил ассортимент ўзгаришларини, шунингдек, ҳудудий, мавсумий ўзгаришлар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Шундай қилиб, товарларнинг ўртача нархларидаги ўзгаришлар унинг иқтисодий таркибида алоҳида ўринга эга товарлар учун ҳисобланган нарх индексларидан фарқи шундаки, аввало товарларнинг аниқ нархларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш билан бирга унинг таркибий ҳамда ассортимент ўзгаришлари ҳам инобатга олинади.

Таркибий ўзгаришларга таъсир қилувчи муҳим омиллар қуйидагилардан иборат:
янги товарларнинг пайдо бўлиши;
эскиларининг йўқолиши;

турлича бўлган алоҳида турдаги товарларнинг нарх даражалари улушининг ўзгариши;

минтақадаги ўзгаришлар натижасида ҳудудий нархлар орасидаги фарқланишлар, мавсумий омиллар ва ҳоказо.

Шунга кўра, ўртача нархлар тўғрисидаги маълумотлардан доимий равишда нархлар ўзгариши динамикасини тавсифлашда фойдаланиш тавсия этилмайди.

13. Давлат статистика қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бўйича товарларнинг ўртача истеъмол нархларини ҳисоблайди.

14. Ҳудудий статистика органлари томонидан товарларнинг ўртача истеъмол нархлари қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

кузатув объектларидаги намуна-товарларнинг ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш;

шаҳар ва туман кесимида товарларнинг ўртача нархларини ҳисоблаш.

15. Кузатув ўтказилаётган объектда рўйхатга олинаётган товар уч хил ассортиментдан ортиқ бўлса, у ҳолда ушбу **савдо объектидаги** мазкур товар тури бўйича ўртача нарх қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\overline{P}_{k,r}^t = \frac{\sum_{s=1}^n P_{k,s}^t}{n}$$

бунда:

$\overline{P}_{k,r}^t$ – t рўйхатга олиш даврида r кузатув объектидаги k товарнинг ўртача нархи;

$P_{k,s}^t$ – t рўйхатга олиш даврида (рўйхатга олинган савдо объектидаги k товарларнинг турлари бўйича) s намуна товарлар нархи;

n – савдо объектида рўйхатга олинган k товарнинг турлари бўйича нархлари сони.

Кузатув объектида товар хилма-хиллиги чегараланганлиги сабабли бир дона нарх рўйхатга олинган бўлса, у ҳолда ушбу товар тури бўйича кузатув объектидаги ўртача нарх айнан бир дона нархдан шаклланади.

16. **Туман ва шаҳарлар** кесимида алоҳида товарларнинг ўртача нархини ҳисоблаш қуйидаги формулада акс этади:

$$\overline{P}_{i,k}^t = \frac{\sum_{r=1}^n \overline{P}_{k,r}^t}{n}$$

бунда:

$\overline{P}_{i,k}^t$ – t рўйхатга олиш даврида i шаҳар (туман)даги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P}_{k,r}^t$ – t рўйхатга олиш даврида r кузатув объектидаги k товарнинг ўртача нархлари;

n – нархлар рўйхатга олинган кузатув объектлари сони.

17. **Худудлар кесимида** товарларнинг ўртача нархини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\overline{P}_{j,k}^t = \frac{\sum_{i=1}^n \overline{P}_{i,k}^t}{n}$$

бунда:

$\overline{P}_{j,k}^t$ – t рўйхатга олиш даврида j худуд (Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)даги k товарларнинг ўртача нархи;

$\overline{P}_{i,k}^t$ – t рўйхатга олиш даврида кузатувдаги i шаҳар (туман) бўйича k товарнинг ўртача нархлари;

n – k товар бўйича танлаб олинган j худудий шаҳар (туман)лар сони.

18. **Республика бўйича** рўйхатга олиш давридаги товарларнинг ўртача нархларини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\overline{P}_{PV,k}^t = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P}_{j,k}^t * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P}_{PV,k}^t$ – t рўйхатга олиш даврида Ўзбекистон Республикаси бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P}_{j,k}^t$ – t рўйхатга олиш давридаги j худудлар бўйича k товарнинг ўртача нархлари;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j худуд аҳолиси харажатлари улуши;

n – k товар кузатилаётган худудлар сони.

V. Ойлик ва йил бошига нисбатан ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш

19. Ой давомида товар нархлари кузатуви бир неча мартга ўтказиладиган бўлса, у ҳолда **худуд бўйича ойлик ўртача нархлар** навбатдаги формула асосида ҳисобланади:

$$\overline{P}_{j,k}^m = \frac{\sum_{t=1}^n \overline{P}_{j,k}^t}{n}$$

бунда:

$\overline{P}_{j,k}^m$ – m ойидаги j худуд бўйича k -товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P}_{j,k}^t$ – t рўйхатга олиш давридаги j худудлар бўйича k товарнинг ўртача нархи;

n – t ойидаги j худуд бўйича рўйхатга олинган нархлар сони.

20. Худудлардан қабул қилинган маълумотлардан **республика бўйича ўртача нархларни** ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\overline{P_{PV,k}^m} = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P_{j,k}^m} * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P_{PV,k}^m}$ – Ўзбекистон Республикаси бўйича m ойидаги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^m}$ – m ойидаги j ҳудуд бўйича k -товарнинг ўртача нархи;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j ҳудуд аҳолиси харажатлари улуши;

n – k товарларнинг ўртача ойлик нархи бўлган ҳудудлар сони.

Йил бошидан бошлаб ўртача нархлар маълумотини шакллантириш ҳам айнан шу алгоритм ёрдамида ҳисобланади.

21. **Йил бошидан ўртача** нархларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

- **ҳудуд бўйича:**

$$\overline{P_{j,k}^{янв-z}} = \frac{\sum_{m=1}^z \overline{P_{j,k}^m}}{n}$$

бунда:

$\overline{P_{j,k}^{янв-z}}$ – январь ойдан жорий z ойга қадар j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^m}$ – m ойидаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

n – январь ойдан жорий z ойга қадар j ҳудуд бўйича k товарларнинг ўртача ойлик нархлари сони.

- **республика бўйича:**

$$\overline{P_{PV,k}^{янв-z}} = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P_{j,k}^{янв-z}} * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P_{PV,k}^{янв-z}}$ – январь ойдан жорий z ойга қадар республика бўйича k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^{янв-z}}$ – январь ойдан жорий z ойга қадар j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j ҳудуд аҳолиси харажатлари улуши;

n – январь ойидан жорий z ойга қадар k товарларнинг ўртача ойлик нархи бўлган ҳудудлар сони.

VI. Чораклик ўртача истеъмол нархларини ҳисоблаш

22. **Чораклик** ўртача нархларни ҳисоблаш кейинги формулалар асосида амалга оширилади.

- **ҳудуд бўйича:**

$$\overline{P_{j,k}^q} = \frac{\sum_{m=1}^3 \overline{P_{j,k}^m}}{m}$$

бунда:

$\overline{P_{j,k}^q}$ – q чорак бўйича j ҳудуддаги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^m}$ – m ойидаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

m – товарларнинг ойлик нархи бўлган q чорагида ойлар сони.

- **Ўзбекистон Республикаси бўйича:**

$$\overline{P_{PY,k}^q} = \frac{\sum_{j=1}^n \overline{P_{j,k}^q} * d_j}{\sum_{j=1}^n d_j}$$

бунда:

$\overline{P_{PY,k}^q}$ – q чорак бўйича республикадаги k товарнинг ўртача нархи;

$\overline{P_{j,k}^q}$ – q чоракдаги j ҳудуд бўйича k товарнинг ўртача нархи;

d_j – республиканинг умумий аҳолиси харажатларидан j ҳудуд аҳолиси харажатлари улуши;

n – товарларнинг ўртача чораклик нархи бўлган q чорагида ойлар сони.

VII. Якуний қоидалар

23. Ушбу услубий низом асосида ҳисобланган ўртача нархлар тўғрисидаги маълумотлардан республика ҳудудлари истеъмол бозорларидаги жорий нархлар ҳолатини аниқлашда маълумотлар манбаи сифатида статистик мақсадларда фойдаланиш мумкин.

24. Ўртача истеъмол нархлари бўйича шакллантирилган маълумотлардан ҳуқуқий баҳс-мунозараларда, давлат харидларини амалга оширишда, савдо битимларида қарорлар қабул қилиш ва бошқа келишувларда фойдаланиш учун мўлжалланмаган.

25. Мазкур услубий низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий Банк, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КУЗАТУВИ
ГОСУДАРСТВЕННОЕ СТАТИСТИЧЕСКОЕ НАБЛЮДЕНИЕ

Тўлдирадилар Заполняют	Тўлдириш муддатлари Сроки заполнения	9-narx (ist) blankasi
Давлат статистика органлари (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича) Органы государственной статистики (по перечню, установленному Госкомстатом Республики Узбекистан)	хафталик: сешанба куни ойлик: ойнинг 10-20 санаси недельная: вторник месячная: 10-20 число месяца	Хафталик, ойлик Недельная, месячная

ТОВАР (ХИЗМАТ)ЛАР
ИСТЕЪМОЛ НАРХ (ТАРИФ)ЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
БЛАНКАСИ

БЛАНК
РЕГИСТРАЦИИ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИХ ЦЕН (ТАРИФОВ)
НА ТОВАРЫ (УСЛУГИ)

Рўйхатга олишни ўтказган статистика органи номи Наименование органа статистики, проводившего регистрацию	МҲОБТ коди код СОАТО

Шахар (туман)

Город (район) _____

Товар (хизмат)

Товар (услуга) _____

Товар ўлчов бирлиги

Единица измерения товара _____

Товар коди

Код товара _____

Корхона номи Наименование предприятия	Товар (хизмат) тавсифи Характеристика товара (услуги)	Қадоқ Расфа- совка	_____			_____			_____				
			ой	йил	(охирги регистрация маълумотлари) (данные последней регистрации)	ой	йил	Сана Дата	Нархи, сўм Цена, сум		Сана Дата	Нархи, сўм Цена, сум	
			месяц	год		месяц	год		ой	йил		ой	йил
Сана Дата	ўрам учун за упаковку	товар бирлиги хисобида в пересчете за единицу товара	Сана Дата	ўрам учун за упаковку	товар бирлиги хисобида в пересчете за единицу товара	Сана Дата	ўрам учун за упаковку	товар бирлиги хисобида в пересчете за единицу товара					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		

Нархларни рўйхатга олиш чакана савдо корхоналари ва бозорларда (буюм бозорлари ҳам киреди) амалга оширилади

Регистрация цен производится на предприятиях розничной торговли и на рынках (включая вещевые)

6, 9, ва 12-устунларда нархлар 1 кг хисобида, 1 л шартли банка хисобида ва қайта хисоблашни талаб этмайдиган бошқа товарлар бўйича нархлар кўрсатилади

В гр.6, гр.9 и гр. 12 указывается цена в пересчете на 1 кг, 1 л, усл. банку и цены по товарам, не требующим перерасчета

Статистика органи раҳбари

Руководитель статистического
органа _____

Кузатув бланкасини тўлдириш учун масъул шахс

Лицо, ответственное за заполнение бланка _____

(мансаби)
(должность) _____(Ф.И.Ш.)
(Ф.И.О.) _____(имзоси)
(подпись) _____

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КУЗАТУВИ
ГОСУДАРСТВЕННОЕ СТАТИСТИЧЕСКОЕ НАБЛЮДЕНИЕ

Тўлдирадилар Заполняют	Тўлдириш муддатлари Сроки заполнения	1-bozor narxlari blankasi
Давлат статистика органлари (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича)	ойнинг 2, 12 ва 22– санаси	Ойда 3 марта
Органы государственной статистики (по перечню, установленному Госкомстатом Республики Узбекистан)	2, 12 и 22 числа месяца	3 раза в месяц

Бозор номи Наименование рынка		кодлар коды	
		КТУТ	(ОКПО)
Манзили Адрес		СТИР	(ИНН)
		МҲОБТ	(СОАТО)

ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИДА 2018 ЙИЛ _____ УЧУН
 (ой)

НАРХЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
БЛАНКАСИ

БЛАНК
РЕГИСТРАЦИИ ЦЕН НА ДЕХКАНСКИХ РЫНКАХ
 ЗА _____ 2018 ГОДА
 (месяц)

Рўйхатга олишни ўтказган статистика органи номи Наименование органа статистики, проводившего регистрацию	МҲОБТ коди код СОАТО

I БЎЛИМ. ДЕХҚОН БОЗОРЛАРИДА НАРХЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
РАЗДЕЛ I. РЕГИСТРАЦИЯ ЦЕН НА ДЕХКАНСКИХ РЫНКАХ

Махсулот номи Наименование товара	Ўлчов бирлиги Единица измерения	Сатр коди Код строки	Нарх, сўм Цена, сум			
			2-қуни на 2 число	12-қуни на 12 число	22-қуни на 22 число	Ўртача нарх 4-устун= (1+ 2+ 3 –уст.)/3 Средняя цена гр.4=(гр.1+2+ 3)/3
А	Б	В	1	2	3	4
Бугдой Пшеница	кг	101				
Арпа Ячмень	-//-	102				
Жўхори Кукуруза	-//-	103				
Кепак (тури кўрсатилсин) _____ Отруби (указать вид)	-//-	104				
Хар хил омихта ем Комбикорма всякие	-//-	105				
Навли бугдой уни Мука пшеничная сортовая	-//-	106				
Оддий тортилган бугдой уни Мука пшеничная простого помола	-//-	107				
Гуруч Рис	-//-	108				
Нўхат Горох	-//-	109				
Ловия Фасоль	-//-	110				
Мош Маш	-//-	111				
Кунгабоқар уруғи Семена подсолнуха	-//-	112				
Эртаки картошка Картофель ранний	-//-	113				
Кечки картошка Картофель поздний	-//-	114				
Эртаки карам Капуста ранняя	-//-	115				
Кечки карам Капуста поздняя	-//-	116				
Помидор Помидоры	-//-	117				
Бодринг Огурцы	-//-	118				
Сабзи Морковь	-//-	119				
Нўшпиез Лук репчатый	-//-	120				
Саримсоқ Чеснок	-//-	121				
Хўраки лавлаги Свекла столовая	-//-	122				
Қовоқ Тыква	-//-	123				
Булғор қалампир Перец болгарский	-//-	124				
Бақлажон Баклажаны	-//-	125				
Турп Редька	-//-	126				
Редиска Редиска	-//-	127				
Шолғом Репка	-//-	128				

Махсулот номи Наименование товара	Ўлчов бирлиги Единица измерения	Сатр коди Код строки	Нарх, сўм Цена, сум			
			2-қуни на 2 число	12-қуни на 12 число	22-қуни на 22 число	Ўртача нарх 4-устун= (1+ 2+ 3 –уст.)/3 Средняя цена гр.4=(гр.1+2+ 3)/3
А	Б	В	1	2	3	4
Тузланган қарам Капуста квашеная	кг	129				
Тузланган помидор Помидоры соленые	-//-	130				
Тузланган бодринг Огурцы соленые	-//-	131				
Кўкатлар (қўк пийёз, укроп, петрушка ва бошқалар, тури кўрсатилсин) Зелень (лук зеленый, укроп, петрушка и др., указать вид)	-//-	132				
Зираворлар (тури кўрсатилсин) Специи (указать вид)	-//-	133				
Тарвуз Арбуз	-//-	134				
Қовун Дыня	-//-	135				
Олма Яблоки	-//-	136				
Нок Груши	-//-	137				
Олча Вишня	-//-	138				
Гилос Черешня	-//-	139				
Олхўри Слива	-//-	140				
Ўрик Абрикосы	-//-	141				
Шафтоли Персики	-//-	142				
Хурмо Хурма	-//-	143				
Беҳи Айва	-//-	144				
Анор Гранат	-//-	145				
Узум Виноград	-//-	146				
Қулупнай Клубника	-//-	147				
Мандарин Мандарины	-//-	148				
Апельсин Апельсины	-//-	149				
Лимон Лимоны	-//-	150				
Банан Бананы	-//-	151				
Ўнғоқ Грецкие орехи	-//-	152				
Ер ўнғоқ Земляные орехи (арахис)	-//-	153				
Писта, бодом Фисташки, миндаль	-//-	154				
Туршак (баргак) Сушёный урюк (курага)	-//-	155				
Кишмиш Кишмиш	-//-	156				
Бошқа қуритилган мевалар (тури кўрсатилсин) Прочие фрукты сушеные (указать вид)	-//-	157				

Махсулот номи Наименование товара	Ўлчов бирлиги Единица измерения	Сатр коди Код строки	Нарх, сўм Цена, сум			
			2-куни на 2 число	12-куни на 12 число	22-куни на 22 число	Ўртача нарх 4-устун= (1+ 2+ 3 –уст.)/3 Средняя цена гр.4=(гр.1+2+ 3)/3
А	Б	В	1	2	3	4
Мол гўшти Говядина	кг	158				
Кўй гўшти Баранина	-//-	159				
Чўчка гўшти Свинина	-//-	160				
От гўшти Конина	-//-	161				
Чўчка ёғи Сало свиное сырое	-//-	162				
Мол чарвиси Сало говяжье внутреннее сырец	-//-	163				
Колбаса махсулотлари ва дудламалар Колбасные изделия и копчености	-//-	164				
Парранда гўшти: Мясо птицы:	кг					
товуқ куры	-//-	165				
курка, ўрдак, ғоз (тагига чизилсин) индюки, утки, гуси (подчеркнуть)	-//-	166				
Турли баликлар Рыба всякая	-//-	167				
Янги соғилган суг Молоко свежее	литр	168				
Қатиқ Молоко кислое	-//-	169				
Сузма, творог Сузма, творог	кг	170				
Қаймоқ, сметана Сливки, сметана	-//-	171				
Пишлоқ, бринза Сыр, брынза	-//-	172				
Сариёғ Масло сливочное	-//-	173				
Эритилган ёғ Масло топленое	-//-	174				
Тухум Яйца	10 дона 10 штук	175				
Асал Мед	кг	176				
Тандир нон Лепешки	дона штук	177				
Тортлар, пирожнилар, пироғлар Торты, пирожные, пироги	кг	178				
Миллий ширинликлар Национальные сладости	-//-	179				
Гул кўчатлари Цветочная рассада	дона штук	180				
Сабзавот кўчати Рассада овощей	-//-	181				
Мевали дарахт кўчатлари Саженьцы плодовых деревьев	-//-	182				
Узум кўчати Саженьцы виноградные	-//-	183				
Терак кўчати Саженьцы тополиные	-//-	184				

II БЎЛИМ. ЧОРВА МОЛ БОЗОРЛАРИДА НАРХЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
РАЗДЕЛ II. РЕГИСТРАЦИЯ ЦЕН НА РЫНКАХ СКОТА

2 ёшдан катта бўлган қорамоллар Крупный рогатый скот старше 2 лет	бош голов	201				
1 ёшгача бўлган ёш моллар Молодняк до 1 года	-//-	202				
1 ёшдан 2 ёшгача бўлган ёш моллар Молодняк от 1 года до 2 лет	-//-	203				
Қўй Овцы	-//-	204				
Эчки Козы	-//-	205				
Чўчкалар (4 ойдан катта) Свиньи (старше 4 месяцев)	-//-	206				
3 ёшдан катта бўлган отлар Лошади старше 3 лет	-//-	207				
Той-отлар (3 ёшгача) Лошади – молодняк (до 3 лет)	-//-	208				
Эшаклар Ослы	-//-	209				
Парранда: Птица:	-//-					
товуқ куры	-//-	210				
курка, ўрдак, гоз (тагига чизилсин) индюки, утки, гуси (подчеркнуть)	-//-	211				
Гул беда Люцерна	кг	212				
Сомон (похол) Солома	-//-	213				
Ҳар хил пичан Сено	-//-	214				

2018 йил «__» _____
«__» _____ 2018 года

Статистика органи раҳбари
Руководитель статистического
органа

(Ф.И.Ш.)
(Ф.И.О.)

(имзоси)
(подпись)

Кузатув бланкасини тузиш
учун масъул шахс
Лицо, ответственное
за заполнение бланка

(мансаби)
(должность)

(Ф.И.Ш.)
(Ф.И.О.)

(имзоси)
(подпись)

Кузатув бўйича асосий турдаги товарлар рўйхати

(1 кг, сўмда)

1	Нўхат	30	Туршак (баргак)
2	Мош	31	Кишмиш
3	Ловия	32	Узум
4	Буғдой уни	33	Лимон
	- олий нав (импорт)	34	Мол гўшти
	- 1-нав (импорт)	35	Қўй гўшти
	- олий нав (маҳаллий)	36	Парранда гўшти
	- 1-нав (маҳаллий)	37	Балиқ
5	Гуруч	38	Сут ва қатиқ маҳсулотлари
6	Манний ёрмаси	39	Сметана
7	Буғдой унидан нон	40	Қаймоқ
8	Жавдари, қора буғдой унидан нон	41	Сариёғ
9	Макарон		- импорт
10	Картошка		- маҳаллий
11	Карам	42	Творог
12	Бодринг	43	Пишлоқ
13	Помидор	44	Брынза
14	Лавлаги	45	Тухум (10 дона)
15	Сабзи	46	Шакар
16	Пиёз	47	Ўсимлик мойи (1 литр)
17	Шолғом		- импорт (пахта мойи)
18	Турп		- маҳаллий (пахта мойи)
19	Булғор қалампери		- импорт (қунгабоқар мойи)
20	Бақлажон		- маҳаллий (қунгабоқар мойи)
21	Тарвуз	48	Ўодланган туз
22	Қовун	49	Маҳсус болалар озуқаси
23	Қовоқ	50	Чой
24	Олма	51	Гугурт (1 қути)
25	Ўрик	52	"KENT" сигаретлари (1 қути)
26	Олхўри	53	"Pall Mall" сигаретлари (1 қути)
27	Гилос	54	Ароқ (1 литр)
28	Шафтоли	55	Хўжалик совуни (1 дона)
29	Нок		